

**М. Хожибоев, и.ф.н., доц.,
А. Комилов, катта ўқитувчи,
Х. Шералиев, тадқиқотчи, АҚХИ**

АГРОИҚТИСОДИЁТ КОРХОНАЛАРИДА ТАЪМИНОТ ТИЗИМИ ХАРАЖАТЛАРИНИНГ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Применения новейших системы снабжения в агроэкономических предприятиях республики Узбекистан который является основой национальной экономики приведет эффективности их деятельности, снижение себестоимости производимой продукции и повышение качество.

Application of advanced supply system in agro-economic enterprises of the Republic of Uzbekistan, which is the foundation of the national economy will decrease their efficiency of production costs and improving quality.

Калитли сўзлар: *агроиқтисодиёт корхоналари, таъминот тизими, таъминот харажатлари, таъминот логистикаси, буюртма, харажатлар ҳисоби, моддий техника таъминоти, материалларни сотиб олиши.*

Қишлоқ хўжалиги Ўзбекистон иқтисодиётининг асосини ташкил этади. Мамалакатимизда 2013 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш 2000 йилга нисбатан 2,3 барбарга кўпайиб, фақат ўтган йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш 6,8 фоизга ортди. Агроиқтисодий тизимда жадал янгиланишларни амалга ошириш аввало бу соҳага тежамкорликка асосланган илғор иқтисодий тизимларни жорий қилишни тақозо этади. Бу борада мухтарам Президентимизнинг қуйидаги фикрлари агроиқтисодий соҳа корхоналари учун дастур бўлиши керак: “Юртимизда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг келажаги ҳақида гапирганда, ер ва сув ресурслари бўйича имкониятларимизнинг чекланганини ҳисобга олиб, бу борада ягона тўғри йўл – қишлоқ хўжалигини интенсив асосда ривожлантириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилаш, селекция ишларини чуқурлаштириш, юксак самарали замонавий агротехнологияларни жорий этиш ва сувдан оқилона фойдаланиш, энг муҳими – деҳқон ва фермерларнинг дарди билан яшаш, десам, ўйлайманки, барчангиз менинг фикримга кўшиласиз”[1].

Таъминот жараёни агроиқтисодиёт корхоналари учун ўз вақтида етарли миқдордаги ва белгиланган баҳодаги моддий бойликларни етказиб беришни амалга оширади. Қўйилган мақсадни амалга ошириш учун таъминот тизими турли усуллардан фойдаланади. Иқтисодий адабиётларда таъминот тизимининг самарали ишлаганини баҳолаш учун таъминот тизими бўйича қилинган харажатларнинг камайиши кўрсаткичи олинади. Таъминот ва логистика бир-бирини тўлдирадиган тизимлардир. Улар агроиқтисодиёт корхоналари фаолиятининг асосий бўғини бўлиб, хўжалик ички мақсадлари ва уларнинг мақсадлари бир-бирига тўғри келади. Агроиқтисодиёт корхоналари ўз олдида

хўжалик фаолияти мақсадлари, иқтисодий мақсадлар, ижтимоий ва экологик мақсадларни кўяди.

Таъминот тизимининг агроиқтисодиёт корхонаси хўжалик фаолиятидаги тезкор мақсади ишлаб чиқариш учун керак бўладиган хомашё ва моддий бойликлар билан таъминлашни амалга оширишдир. Ишлаб чиқариш мақсадидаги хомашё ва моддий бойликларнинг таркиби ишлаб чиқариш бюджетидаги кўрсаткичларнинг аниқлигига боғлиқ. Бу нарса сотиб олиш жараёнида ҳам эркинликнинг юзага келиши ва турли усуллардан фойдаланиш учун имкониятнинг пайдо бўлишига олиб келади. Ҳозирги кунда таъминот тизимининг самарали ишлаши учун амалиётда логистик тамойилларга асосланган иқтисодий тизимларни жорий қилиш амалга оширилмоқда. Ўзбекистондаги агроиқтисодиёт корхоналари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва уларни бир маромда фаолият юритишларини таъминлаш учун таъминот тизимида логистик ёндошувни қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Таъминот логистикаси ҳам таъминот тизимининг самарали ишлаши учун хизмат қилади. Сотиб олиш тизимида турли усулларнинг мавжудлиги уларни баҳолаш ва таҳлил қилиш учун заруратни юзага келтиради. Таҳлил қилиш учун ҳар бир усул бўйича қилинган харажатларни ўрганиш керак. Таъминот жараёни харажатларининг таснифланиши турли адабиётларда турлича ҳолда берилган. Иқтисодий моҳияти бўйича таъминот жараёни логистикаси харажатларини турли гуруҳларга бўлиш мумкин. Уларни ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки ҳар бир харажат пайдо бўлиши, хусусияти ва ҳисобга олиш тартибига мувофиқ таснифланиши мумкин.

Агроиқтисодиёт корхоналарида ҳам моддий техник таъминотининг логистика тамойилларига асосланган икки хил кўринишидан фойдаланилади. Улар марказлашган таъминот ва марказлашмаган таъминот. Марказлашган ҳолда моддий техник таъминотининг қулайлиги шундаки, унинг ёрдамида таъминот харажатлари камаяди ва тайёрлов, тақсимот, транспорт соҳасида ягона корхона сиёсати ишлаб чиқарилади. Моддий техник таъминотини марказлашган шаклида бошқариш бир хил турдаги маҳсулот ишлаб чиқарадиган ва бир регионда бир нечта бўлинмалари мавжуд бўлган кичикроқ корхоналарда қўлланилади. Моддий техник таъминотини бошқаришнинг марказлашмаган шакли белгиланган маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва турли районларда жойлашган корхоналарда қўлланилади. Катта ишлаб чиқариш ҳажмига эга бўлган корхоналарда аралаш шакл ҳам қўлланилади. Бундай корхоналарда турли материаллар истеъмол қилинади ва улар катта миқдорда сотиб олинади.

Хўжалик ўз фаолиятдан келиб чиқиб моддий техника таъминоти ва маҳсулотлар тақсимоти марказлашган шаклининг гуруҳланган ҳамда гуруҳланмаган усулларида мос ҳолдаги бирини танлаши ва ундан фойдаланиши мумкин. Гуруҳланган усулда хўжалик ичида ҳаракат қилаётган материал, хом-ашё, ярим фабрикатлар, тайёр маҳсулот билан боғлиқ материал оқимларининг корхонага кириб келиши ва истеъмолчига чиқиб кетиши учун жавобгарлик гуруҳ зиммасига юклатилади. Гуруҳ хўжалик раҳбари ўринбосарига бўйсунди ва ишлаб чиқариш ёки режалаштириш бўлимига

қўшилиши мумкин. Гуруҳнинг вазифаси таъминот, тақсимот, ишлаб чиқаришни режалаштириш ва назорат қилиш бўлиб ҳисобланади. Гуруҳланмаган усул хўжаликнинг алоҳида бўлинмалари унинг фаолиятида муҳим ўринга эга бўлган ишлаб чиқаришларда қўлланилади. Алоҳида бўлинма сифатида таъминот бўлими, транспорт билан таъминлаш бўлимини олиш мумкин. Моддий техника таъминотининг марказлашмаган гуруҳли усули ҳам мавжуд бўлиб, унда хўжаликдаги ҳар бир ишлаб чиқариш бўлинмаларининг таъминоти ва тақсимоли жараёни учун ҳам гуруҳ жавобгар бўлади.

Таъминот тизимида юзага келадиган харажатларни таснифлаш бўйича турлича қарашлар бор. Иқтисодий бошқариш тизимида таъминот логистикаси харажатлари қуйидаги ҳолларда пайдо бўлади:

- моддий бойликларни сотиб олиш жараёнида;
- сотиб олинган моддий бойликларни сақлаш жараёнида;
- сотиб олинган моддий бойликларни транспортировка қилиш жараёнида.

Моддий бойликларни сотиб олиш жараёнида пайдо бўладиган харажатлар сотиб олиш ҳажмининг катта ёки кичиклигига қараб тўғри ва эгри харажатларга бўлинади. Тўғри харажатлар сотиб олинаётган моддий бойликларнинг сотиб олиш баҳосидир. Бундай харажатларнинг ҳажми сотиб олиш ҳажмига мувофиқ ҳолда ўзгаради. Эгри харажатлар сотиб олиш ҳажмига боғлиқ бўлмайди. Улар буюртманинг кетма-кетлиги ва тезлигига боғлиқдир. Бундай харажатларга буюртмаларни тайёрлаш, моддий бойликларни қабул қилиш, ҳужжатларни текшириш ва шу кабилар учун қилинган харажатлар киритилади.

Моддий бойликларни сақлаш харажатлари омбор хўжалигини ташкил қилиш учун кетган харажатлар ва захира сифатида музлатилган (капитал) маблағлардан олинмаган фоиз даромадлари сифатидаги харажатларни ўз ичига олади. Омбор хўжалигини ташкил қилиш харажатлари ўз ичига омбор майдонларини сақлаш харажатларини, товар ҳаракати билан боғлиқ ташкилий харажатларни, суғурта харажатларини олади. Бундай харажатлар одатда бир бирлик материал ёки сақланаётган материаллар бирлиги учун аниқланади. Масалан, бир йил давомида бир дона материал ёки юз дона материални сақлаш учун кетган харажатни олдиндан аниқлаш мумкин. Захира сифатида музлатилган (капитал) маблағлардан олинмаган фоиз даромадлари сифатидаги харажатларни ҳисоблаш учун капиталнинг фоиз ҳисоб меъёрини аниқлаш керак.

Транспорт ва ташиш харажатлари кўп ҳолларда ташилаётган юкларнинг миқдори ва суммасига боғлиқ бўлмайди. Бу харажатларнинг ортиши юкларни ташиш учун қўшимча транспорт жалб қилинган ҳолларда кузатилади. Шундай бўлсада, хўжаликларда ташилган юкларнинг белгиланган миқдорига тўғри келадиган харажатларни аниқлаш учун доимий меъёрий коэффицентлардан фойдаланилади.

Бухгалтерия ҳисобида таъминот жараёни харажатлари қуйидаги босқичларда пайдо бўладиган сарфларнинг йиғиндиси сифатида қаралади:

- буюртмани қабул қилиш;

- буюртмани қайта ишлаш;
- ҳужжатларни қайта ишлаш;
- буюртмаларни умумлаштириш (комплектация қилиш);
- сақлаш;
- етказиб бериш;
- транспорт-экспедиторлик хизматлари;
- счётни тақдим қилиш.

Таъминот тизимининг харажатлари ҳисобининг асоси агроиқтисодиёт корхоналарида ташкил қилинган синтетик ва аналитик ҳисобга боғлиқдир. Синтетик ҳисобни юритиш учун счётлар режасидаги:

- 1000 “Материаллар” ҳисоби счёти;
- 1500 “Материалларни тайёрлаш ва сотиб олиш” ҳисоби счёти;
- 1600 “Материаллар қийматидаги фарқлар” ҳисоби счётларидан

фойдаланилади.

Материалларни сотиб олиш ва ишлаб чиқаришга етказиб бериш жараёнида юзага келган харажатларнинг синтетик ҳисоби икки усул орқали амалга оширилади. Бу усуллардан биринчиси, ҳақиқий таннарх бўйича ҳисобга олиш усули бўлиб, унда сотиб олинаётган материаллар ҳақиқий таннархда тўғридан-тўғри 1000 “Материаллар” ҳисоби счётида ҳисобга олинади. Ҳақиқий таннарх усули мамлакатимизнинг кўп хўжаликларида қўлланилади. Бу усулда харажатлар ҳисоби содда ва шу вақтнинг ўзида назорат қилишнинг имконияти бир оз чегараланган.

Иккинчи усул эса, ҳисоб баҳолари бўйича материаллар ҳисоби бўлиб, бу усулда 1000 “Материаллар” ҳисоби счётидан ташқари сотиб олиш жараёнида 1500 “Материалларни тайёрлаш ва сотиб олиш” ҳисоби счёти ва 1600 “Материаллар қийматидаги фарқлар” ҳисоби счётидан фойдаланилади. Ҳисоб баҳолари бўйича бухгалтерия ҳисобини ташкил қилишда материалларни сотиб олиш ва тайёрлаш харажатлари 1500 “Материалларни тайёрлаш ва сотиб олиш” ҳисоби счётида кўрсатилади. Қабул қилинган материаллар ҳисоб баҳоларида 1000 “Материаллар” ҳисоби счётининг дебетига ўтказилади ва фарқ юзага келса, 1600 “Материаллар қийматидаги фарқлар” ҳисоби счётининг дебетига акс эттирилади. Ҳисобот даврининг охирига 1500 “Материалларни тайёрлаш ва сотиб олиш” ҳисоби счётининг дебетига қолган сумма йўлдаги материалларга тегишлидир. Ишлаб чиқариш ёки бошқа мақсадларда сарфланаётган материаллар 1000 “Материаллар” ҳисоби счётидан ҳисоб баҳолари бўйича ҳисобдан чиқарилади. Баҳодаги фарқ билан қабул қилинган материаллар сарфланса, 1600 “Материаллар қийматидаги фарқлар” ҳисоби счётининг кредитидаги фарқ ҳам харажатлар сифатида ҳисобдан чиқарилади.

Шунингдек, амалиётда 1500 “Материалларни тайёрлаш ва сотиб олиш” ҳисоби счётида қолдиқ қолдирилмай ҳисоб юритиш усули ҳам қўлланилади. Бу усулда ҳисобот даври охирида сотиб олинган, лекин ҳали корхонага келтирилмаган йўлдаги материаллар (сотиб олувчи омборида қабул қилинмаган моддий бойликлар) 1000 “Материаллар” ҳисоби счёти ва 1500 “Материалларни тайёрлаш ва сотиб олиш” ҳисоби счётининг дебетига

кўрсатилади. Келгуси ойнинг бошида бу ёзувлар сторно қилинади ва жорий ҳисобда 1500 “Материалларни тайёрлаш ва сотиб олиш” ҳисоби счётининг дебетида ҳисобга олинади. Ойнинг охирида эса 1500 “Материалларни тайёрлаш ва сотиб олиш” ҳисоби счётининг дебетидаги сумма 1600 “Материаллар қийматидаги фарқлар” ҳисоби счётига ўтказилади.

Материаллар бўйича юритиладиган аналитик ҳисоб иккала усулда ҳам ҳисоб баҳоларида амалга оширилади. Биринчи усулда ҳар бир материаллар бўйича баҳодаги фарқлар аналитик ҳисобларда ҳисобга олинса, иккинчи усулда 1600 “Материаллар қийматидаги фарқлар” ҳисоби счётида фарқлар ҳисобга олинади.

1500 “Материалларни тайёрлаш ва сотиб олиш” ҳисоби счётининг дебет томонида материалларни тайёрлаш ва сотиб олиш бўйича харажатлар кўрсатилади. Стандартнинг 9 бандида сотиб олиш харажатлари кўрсатилиб ўтилган. Унга кўра ТМЗ ларни сотиб олиш харажатларига сотиб олиш баҳоси, бож тўловлари ва йиғимлари, маҳсулотларни сертификатлаш харажатлари, воситачи ва таъминот корхоналарига тўланган комиссия тўловлар, шунингдек, транспорт-тайёрлов харажатлари, захираларни сотиб олиш билан боғлиқ хизмат ва бошқа харажатлар киритилади. хўжаликларда таъминот жараёни харажатлари пайдо бўлиш жойлари ва характерларига асосан 2000 “Асосий ишлаб чиқариш ҳисоби”, 2300 “Ёрдамчи ишлаб чиқариш ҳисоби”, 4200 “Ходимларга берилган бўнақлар ҳисоби”, 6000 “Мол етказиб берувчи ва пудратчиларга тўланадиган счётлар ҳисоби” счётлари билан боғланади.

1500 “Материалларни тайёрлаш ва сотиб олиш” ҳисоби счётининг кредит томонидан материаллар ҳисоб баҳоларида 1000 “Материаллар ҳисоби” счётига ўтказилади. Натижада 1500 “Материалларни тайёрлаш ва сотиб олиш” ҳисоби счётининг дебет томонида материалларнинг ҳақиқий баҳоси ва кредит томонида материалларнинг ҳисоб баҳоси акс эттирилади. Унинг кўриниши чизма ҳолда қуйидагича:

1500 “Материалларни тайёрлаш ва сотиб олиш” ҳисоби счёти	
Дебет	Кредит
<p>Ҳақиқий харажатлар, жумладан:</p> <p>а) сотиб олиш баҳоси;</p> <p>б) бож тўловлари ва йиғимлари;</p> <p>в) маҳсулотларни сертификатлаш харажатлари;</p> <p>г) воситачи ва таъминот корхоналарига тўланган комиссия тўловлар;</p> <p>д) солиқлар (корхона келгусида қайтариб оладиган солиқлардан ташқари);</p> <p>е) транспорт-тайёрлов харажатлари;</p> <p>ж) захираларни сотиб олиш билан боғлиқ хизмат харажатлари;</p> <p>з) бошқа харажатлар.</p>	<p>Ҳисоб баҳоси</p> <p>Материал қийматидаги салбий (ортиқча сарфланган) фарқ</p>

**Материал қийматидаги ижобий
(иқтисод қилинган) фарқлар**

**1-чизма. 1500 “Материалларни тайёрлаш ва сотиб олиш” ҳисоби
счётининг тузилиши.**

1600 “Материаллар қийматидаги фарқлар” ҳисоби счётида сотиб олинган материалларнинг қийматидаги фарқлар умумлаштирилган ҳолда ҳисобга олиб борилади. Аниқланган фарқлар сарфланаётган материаллар бўйича тақсимланади. Тақсимот қилишда икки хил усулдан фойдаланш мумкин:

1. Сарфланаётган материаллар бўйича аниқланган фарқлар умумий ҳолда тақсимланиши мумкин. Унда тақсимот базаси ҳисобот даврининг фарқи умумий суммасини материалларнинг умумий суммасига нисбати сифатида аниқланади. Унинг кўриниши қуйидагича:

$$\text{Фарқ суммаси} = \frac{1600 \text{ счётининг ой бошига бошланғич қолдиғи} + 1600 \text{ счётининг бир ойлик дебет айланиши}}{1000 \text{ счётининг ой бошига бошланғич қолдиғи} + 1000 \text{ счётининг бир ойлик дебет айланиши}} \times 1000 \text{ счётининг бир ойлик кредит айланиши}$$

2. Сарфланаётган материаллар баҳосидаги фарқ шу материал билан бир вақтда ҳисобдан чиқарилади. Бу ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархининг ортишига сабаб бўлиши мумкин.

Умуман олганда, агроиқтисодиёт тизими корхоналарида материаллар таъминоти жараёнини тўғри ташкил қилиш ва унинг бухгалтерия ҳисобини тўғри юритиш таъминот тизими харажатларини назорат қилишга ёрдам беради. Харажатларни камайиши ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархини пасайтиришга асосдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи газетаси 2014 йил 18 январь.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» ги қонуни. “Ўзбекистон овози” газетаси, 1996 йил 17 сентябрь.

3. “Маҳсулот (иш, хизмат)лар ишлаб чиқариш харжатларининг таркиби ва молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида” ги Низом. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февраль 54 – сонли Қарори. Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси уйи нашриёти 2000 й.

4. “Национальные стандарты бухгалтерского учета Республики Узбекистан” (Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий

стандартлари). - Тошкент, Ассоциация бухгалтеров и аудиторов Узбекистана – 2009 г.

5. Ўзбекистон Республикаси № 21-бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти “Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома”. - Тошкент, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги. Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар Миллий ассоциацияси. – 2008 й.

6. Кондраков Н.Г.Т. Бухгалтерский учет: Учебное пособие для вузов. М.: ИНФРА - М, 2006. - 367 с.